

FACTORS INFLUENCING THE PROVISION OF EMPLOYMENT IN THE FIELD OF CONSUMER SERVICES IN RURAL AREAS

Sh.S.Sharifov

SamSU assistant

HT Meliev

SamTU undergraduate

Abstract:

This article provides an in-depth study by the authors of the factors influencing employment in the field of consumer services in rural areas, and provides suggestions and recommendations.

Қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандикни таъминлашнинг илмий-назарий талқини аввало, инсон капитали, ишчи кучи қиймати, меҳнатнинг баҳоси каби тушунчалар тадқиқ этилаётган жараёнга ёндош тушунчалар бўлиб, унинг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга хизмат қиласи. Бир томондан, хизматлар бозори иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талаб ва ишчи кучи таклифининг ўзини-ўзи тартибга солувчи механизми бўлса, бошқа томондан, хизматлар бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун яратилган шарт-шароит ҳисобланади.

Хизматлар бозори ўрни келганда, меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади. Айни вактда, хизматлар бозори ишчи кучини сотиш, сотиб олиш, ёллаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўплаб ижтимоий-иктисодий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Бироқ, саноатлашган давлатлар ва кўпгина ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иш берувчилар аксарият ҳолларда устун мавқени сақлаб қоладилар. Иш берувчининг иктисодий манфаати асосан ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятини самарали таъминлаш ва пировардда фойдани кафолатлаш заруриятига бориб тақалади. Чунки, рақобатбардош ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва уни доимо такомиллаштириб бориш зарурияти мавжуд бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 50% дан кўпроқ қисми қишлоқ жойларида яшаб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандикни таъминлашнинг асосий омилларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Бизнинг назаримизда қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандикни таъминлашнинг асосий икки омили мавжуд бўлиб, улар талаб ва таклиф омиллариридир. Талаб омиллари қўйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги тармоқларида майший хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги иш ўринлари яратиш;
- иш жойларини унумли техника ва технологиялар билан таъминлаш;
- майший хизмат кўрсатиш фаолиятларини модернизациялаш ва қайта таъмирлаш;
- мавжуд қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш;
- ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш;
- хусусий тадбиркорлик, якка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти кўламини кенгайтириш ва бошқалар киради.

Айнан шундай вазиятдагина қишлоқ жойларида бандикни таклиф омиллари вужудга келади, буларга:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда аҳолига майший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтириш;
- инфляция ва ишсизлик даражасини камайтириш;
- ички талабни рағбатлантириш;
- ишчи кучи ҳаракатчанлиги ва малакасини ошириш ва бошқалар киради.

Бу борада вилоятимиз учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини сифат жиҳатдан ошириш бўйича муаммони ҳал қилишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган қишлоқ жойларида бандлик тушунчаси, таркиби, хусусиятлари ва вазифаларини тадқиқ этиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш қўйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларнинг инобатга олинишини тақозо этади:

- вилоят аҳолисининг 60% га яқини қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотнинг (ЯҲМ) 20% дан кўпроғини ишлаб чиқаради;
- ноқишлоқ хўжалиги ишчи жойларини етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурсларининг улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 52% дан ортигини ташкил қиласди ва уларнинг сони ўсмоқда;
- меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнаткашларининг малака ва сафарбарлик даражасини пастлиги ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда;
- қишлоқ меҳнат ресурслари сонини меҳнатни тадбиқ этиш минтақаларига нисбатан тезроқ

Ўсиши яширин ишсизликни, айникса қишлоқ хўжалигида ишчи кучини таклиф этиш, унга талабдан ошиббет кетадиган даражада кўпайишига бевосита ёрдам беради;

– қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги ишчи жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги рационал нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.

Қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни таъминлашнинг асосий унсурларига қўйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат

Демак, қишлоқ жойларида бандикни таъминлаш тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни ташкил қилувчи қисмларининг тизимили тадқиқоти бизга улар томонидан иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш даврида бажариладиган барча вазифаларни тўлиқ мазмунини намоён қиласи, уларга эса қўйидагилар киради:

- ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;
- бозор тизимида хўжалик юритишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;
- меҳнат ресурсларининг иш билан оқилона бандлигини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизларга иш топишга ёки бозор шароитига мос келадиган даражада малакасини оширишни ташкил этишга ёрдам бериш;
- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва уни тежашга таъсир кўрсатиш.
- ишчи кучининг ҳам ишлаб чиқарувчининг ҳам истеъмолчи сифатидаги манфаатлари мос келишини таъминловчи юқори унумдор меҳнатга қизиқишини тартибга солиш;
- тақсимот муносабатларига билвосита таъсир қилиш.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ жойларида иш билан бандлик агарар меҳнат муносабатларининг муҳим базавий элементи ва фаолият кўрсатувчи ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштирувчи жараён каби мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий категория сифатида, уни тартибга солиш эса агарар соҳани ривожланиши механизми сифатида иштирок этади. Шу жиҳатдан, иш билан бандликни бошқариш нафақат иқтисодий, ижтимоий ёки демографик характердаги муаммоларни, балки у замонавий агарар жамиятни ҳуқуқий, сиёсий, психологик ёки маънавий томонларини ҳам акс эттиради.

Шунинг учун, қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни тартибга солиш жараёни ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳаммага маълум хусусиятлари билан бирга ахборот билан таъминланганлик ва импульсив ривожланиш, узлуксизлик ва ўзгарувчанлик, ижтимоий йўналганлик ва тартибга солинувчанлик, транзитивлик ва эволюционлик, кўникувчанлик ва асосланганлик каби хусусиятлар билан ҳам тўлдирилиши зарур.

Улар бевосита қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни таъминлашнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, қишлоқ жойларида майший хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни таъминлашнинг назарий ва методологик асослари, асосий вазифалари ва элементлари мазмунини чуқур ўрганиш унинг рационал шаклланиши ва самарали ривожланиши йўлини равшанроқ кўришга, иш билан бандликни тартибга солиш, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги нисбатни тенгглаштиришни самарали усусларини топишга имкон беради.